



LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
"TTT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти
(JPA INTERNATIONAL France)

**“Фаргонадонмахсулотлари” АЖнинг АФМС № 80
сонли “Махсус савол буйича аудитор хисоботи” юзасидан
тузилган
АУДИТОР ХИСОБОТИ**

АО ООО «TTT-AUDIT»
Фаргона ш. Янгиобод- 5 уй
Лицензия Министерства Финансов РУз
серия АФ № 00773 от 05.04.2019 г.
р/счет: №2020 8000 1009 2188 6001
в ХАБ «Траст банк» МФО 01123
ИНН 202 216 926 ОКЭД 69202
Тел/ факс: (+91) 651-80-13, (+94) 448 20 60,
(+95) 400-80-23, (факс) (73) 241 -64 -68
E-mail: ttaudit@mail.ru, www.ttaudit.uz ttt-audit.uz

г. Фергана – 2021 г.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуннинг 18 моддасига асосан «Аудиторлик хисоботи» махфий хисобланади ва ошқор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошқор қилганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

«FARG'ONADONMAHSULOTLARI»
акциядорлик жамияти кузатув кенгашига

« FARG'ONADONMAHSULOTLARI» АЖ нинг 2021 йил 1 чорак молиявий хўжалик даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426 – сонли Қарори талабларига мувофиқ “Қорхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида” ги махсус савол бўйича


АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

2021 йил 7 май куни тузилган № 181 сонли шартномага асосан «ТТТ-AUDIT» () аудиторлик ташкилоти келишилган аудиторлик текшируви ўтказиш дастури бўйича Сизга аудиторлик ҳисоботини тақдим этади.

Хужжат номи	«Фарғонадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 1 чорак давомида махсус саволни текширувдан ўтказиш юзасидан аудит ҳисоботи
Аудиторлик ташкилот номи ва юридик манзили	Масъулияти чекланган «ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти. Фарғона ш. Янги обод кўчаси 5 уй тел. +99891 651-80-13, +99895 400-80-13 e-mail: tttaudit @ mail.ru
Давлат рўйхатидан ўтказилган Гувохнома	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 12.03.1997 йил. Гувохнома реестри № 335
Лицензия берган орган номи ва тартиб раками	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Лицензия АФ № 00773 05.04.2019 йилда берилган.
Аудиторлик текширув учун тузилган Шартнома раками ва тузилган санаси	Шартнома № 181 7.05.2021 й.
Аудит текширувини бошланиши ва тугалланиши	Бошланиши - 7 май 2021 йил Тугалланиши - 12 май 2021 йил
Аудит текшируви ўтказган аудитор фамилияси, исми ва малака сертификати раками	Ботиров Махаммад Хошимович Аудитор малака сертификати № 05052. 2017 йил 25 августда Молия Вазирлиги томонидан берилган

1. КИРИШ ҚИСМ

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Бухгалтерия ҳисобининг миллий МЧЖ «ТТТ-AUDIT » бош директори:



стандартлари, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва бошка аудиторлик фаолиятини тартибга солиш меъёрий ҳукукий ҳужжатлар асосида ўтказилди.

Ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари, Ўз.Р. МВ 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўз.Р. АВ 2001 йил 10 мартдаги 1016-сон билан рўйхатдан ўтган (АФМС № 70) «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳулосаси» стандарти талабларига асосида ушбу ҳисоботга киритилди.

Аудиторлик ҳисоботи – бу жамият раҳбарига, мулкдорларига, иштирокчиларининг умумий йиғилишига такдим этилувчи ва ўзида аудиторлик текшируви йули билан бухгалтерия ҳисобини олиб боришда аниқланган камчиликлар, молиявий ҳисоботидаги камчиликлар, ҳамда аудиторлик текширувини олиб боришда олинган бошка маълумотларни акс эттирувчи ва аудиторлик ҳулосасини тузишда асос бўлувчи ҳужжатдир.

Ушбу текширишга такдим қилинган бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари ҳаққонийлиги ва тузилган молиявий ҳисоботлар тўғрилигига жамият раҳбарияти жавобгардир. Аудиторлик ташкилот эса ушбу аудиторлик текшириш юзасидан берилган ҳулоса учун жавобгардир.

ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ, НИЗОМИ, ТАЪСИС ХУЖЖАТЛАРИ, ФАОЛИЯТ КОДИ ВА ЛИЦЕНЗИЯСИ БИЛАН ТАНИШИШ.

ЖАМИЯТ тўғрисидаги маълумотлар.	
«FARG'ONADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти	Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кучаси 93 уй
Банк	Фарғона Агробанк МФО 00495
Ҳисоб рақами	202 100 000 001 948 110 01
ОКОНХ	19 211
ИНН	200 153 366
ОКЭД	10 610
ҚҚС тўловчини рўйхатдан ўтиш коди	330 050 009 538
Низом фонди	635 897 700 сўм
Акциялар номинал қиймати ва донаси	Номинал қиймати 300 сўм, 2 119 659 дона.
Телефон	244 74 15

Жамият Низоми жамият акциядорларининг 2008 йил 31 январдаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган ва Фарғона вилоят Ҳокимлигида 2008 йил 8 июл куни 614-сонли қарори билан қайта рўйхатга олинган. Жамиятнинг Низом фонди Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори Жамиятларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармонида, «FARG'ONADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2009 йил 23 мартдаги умумий йиғилиш қарорига ҳамда жамиятнинг 2009 йил 14 апрелдаги 4-1/315 сонли хатига асосан Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2009 йил 18 майдаги 100071/085-2 сонли буйруғи асосида жамиятнинг 2008 йил якуни бўйича олинган 211965,9 минг сўмлик фойдаси ҳисобига ҳар бири 200 сўмлик акциялар номинал қиймати 300 сўмга ўзгартирилиб 635897,7 минг сўм белгиланган. Ҳақиқатда ҳисобот бўйича 635897,7 минг сўмни ташкил этади. Низом фонди 100 фоиз шакллантирилган.

МЧЖ «ТТТ-AUDIT» бош директори:

Жамиятнинг Низомига охириги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг, жамиятнинг низом жамғармаси хар бирининг номинал киймати 300 (уч юз) сўмдан бўлган 2 046 126 (икки миллион қирк олти минг бир юз йигирма олти) дона эгаси ёзилган оддий нақдсиз ва 69 857 (олтмиш туккиз минг саккиз юз эллик етти) дона эгаси ёзилган оддий нақд, 3 676 (уч минг олти юз етмиш олти) эгаси ёзилган имтиёзли нақдсиз акцияга бўлинган, жами акция суммаси 635 897 700 (олти юз ўттиз беш миллион саккиз юз туксон етти минг етти юз) сўмни ташкил этади ва қуйидагича тартибда тақсимланган:

Улуш эгаси	Акция сони, дона	Улуш микдори, %	Жами улуш киймати, сўм
Давлат улуши (Давлат Мулк Қўмитаси)	1 081 026	51	324 307 800
Эркин сотув улуши	929 886	43,87	278 965 800
Мехнат жамоаси улуши	108 747	5,13	32 624 100
Жами:	2 119 659	100%	635 897 700

Махсус савол текшируви ўтказилган даврда ишлаган мансабдор шахслар тўғрисидаги маълумот

Барча бирламчи хужжатларга биринчи бўлиб имзо қуйиш ҳуқуқи билан жамият бошқаруви раиси лавозимида 2017 йил 3 майдан 2021 йил 2 мартгача - Р.Муллаев ишлаб келган. (буйруқ № 84А 2021 йил 2 март)

Барча бирламчи хужжатларга биринчи бўлиб имзо қуйиш ҳуқуқи билан жамият бошқаруви раиси лавозимида 2021 йил 2 мартдан - А.Қ.Рўзматов ишлаб келмоқда. (буйруқ № 84А 2021 йил 2 март)

Барча бирламчи хужжатларга иккинчи бўлиб имзо қуйиш ҳуқуқи билан жамият бош хисобчиси лавозимида 2020 йил 25 июндан И.Тошпўлатов ишлаб келмоқда.

Аудиторлик текшируви жамият бошқарув раиси А.Қ.Рўзматов оғохлигида, ҳамда бош хисобчи И.Тошпўлатовни бевосита иштирокида ўтказилди.

Махсус саволни ўрганишда жалб этилган раҳбар ва хизматчилар ҳақида маълумот

- Р.Қ.Муллаев – ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича директор
- М.Тошпўлатов – таъминот бўйича мутахассис
- М.Ахмедов – ахборот технологиялари бўлими раҳбари
- А.Махмудзода – ахборот технологиялари бўлими мутахассиси
- М.Эминова – жамият ҳуқуқшуноси в.в.б.

Асосий қисм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426 –сонли Қарори талабларига мувофиқ “Корхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан

МЧЖ «ТТТ-AUDIT» бош директори:

самарали фойдаланиши тўғрисида” ги махсус савол бўйича “Фарғона донмахсулотлари” АЖ да 2021 йил 1 чорак молиявий фаолият даврида қуйидагилар маълум бўлди.

1. Жамиятга сотиб олинаётган товар моддий бойликлар ва кўрсатилаётган хизматларни биржа электрон савдолари орқали сотиб олиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисидаги” Қонунига асосан амалга ошириш ва сотиб олинган товарлар, кўрсатилган хизматлар учун ўтказилган гаров пуллари ва бошқа тўловларини белгиланган тартибда йўналтириш вазифалари жамият таъминот бўлими раҳбари М.Тошпўлатовга буйруқ асосида юклатилган.
2. Жамиятга товар ёки хизматларни сотиб олиш зарурияти юзага келганда тегишли бўлим раҳбари томонидан жамият раиси номига тегишли тартибда билдиришнома ёзилади. Билдиришномада сотиб олинishi кўзда тутилаётган товар ёки хизмат айнан нима учун сотиб олинаётганлиги, микдори кўрсатилади.
3. Билдиришнома жамият бошқарув аъзолари томонидан ўрганиб чиқилгандан кейин жамият раиси ёки маъсул раҳбар “ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича директор” томонидан имзоланиб жамият таъминотчисига тақдим этилади.
4. Жамият таъминотчиси ушбу билдиришномани жамият “Ахборот технология бўлими”да тегишли тартибда рўйхатдан ўтказгандан кейин биржа савдоларида қатнашиш учун “Электрон дўкон”, “Аукцион” да қатнашиш учун эълон беради.
5. “Электрон дўкон”, “Аукцион”да қатнашиш “Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуннинг 5 боб “Электрон дўкон”, 6 боб “Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион”, 7 боб “Танлов тушунчаси”, 9 боб “Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари” асосида амалга оширилади.
6. Жамиятга товар моддий бойликлар, ишлар хизматлар сотиб олишда “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси томонидан 2018 йил 22 октябрда чиқарилган 132 сонли буйруғи иловасига асосан амалга оширилади.

“Фарғонадонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида 2021 йил 1 чорак давомида 85 ҳолатда товар моддий бойликлар, иш хизматлар сотиб олинган:

Шундан: - 7 та ҳолатда товар моддий бойликлар “ички танлов” асосида сотиб олинган тегишли тартибда тендер ўтказилган, сотиб олинган товар моддий бойликлар “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси томонидан 2018 йил 22 октябрда чиқарилган 132 сонли буйруғи иловасининг 12,20,21 бандлари асосида сотиб олинган.

- 76 та ҳолатда “Электрон савдо” да сотиб олинган.
- 3 та ҳолатда “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси тизимидаги “ички тизим” бўйича харидлар (наряд асосида)
- 6 ҳолатда 2020 йил буғдой ҳосилига контрақтация шартномалари тузиш учун шартнома бланкалари, ишчи ходимларни озик овқат билан таъминлаш, пандемия шароитида жамиятда ун ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминлаш учун жамият қошида ташкил этилган нон ишлаб чиқариш цехларидан нон ва макарон махсулотлари, жамият ун ишлаб чиқариш тегирмонини жорий таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар тўғридан тўғри шартномалар асосида олинган.

Жамият томонидан 2021 йил 1 чорак молиявий фаолиятида импорт қилинган товар ва ишлар хизматлар мавжуд эмас, валюта операциялари амалга оширилган, 2021 йил 20 феврал куни Россия давлатининг “СОКО Компания” ООО билан 476 000 долларлик 400 тонна соя уруғлиги олиш учун UZB-RUS/5-21 сонли импорт контракт тузилган ва 2021 йил 22 феврал куни соя уруғлиги сотиб олиш учун 5 923 900,0 минг сўм кредит олинди “СОКО Компания” ООО га шартномага асосан 5 046 737,6 сўм конвертация қилиниб 476 000 доллар ўтказилган.

МЧЖ «ТТТ-AUDIT» бош директори:

Соя уруғлиги 2021 йил апрел ойида келтирилганлиги учун ушбу ҳисоботга киритилмади.

Юқорида олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426 –сонли Қарори талабларига мувофиқ “Корхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида” ги махсус савол бўйича жамиятнинг ушбу Қарорга амал қилиши даражасини баҳолаймиз:

т/т	Савол	ха	йук	жавоб
1	Корпоратив харидларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабилари доирасида ўтказилганлиги	10	2	8
2	Корпоратив харидларни амалга оширишда рақобат қонунчилиги талабларига риоя этилганлиги	10	0	10
3	Давлат харидларининг махсус ахборот порталида харидларининг йиллик ва чораклик режа жадвалининг жойлаштирилганлиги	6	6	0
4	Махсус ахборот порталига жойлаштирилган эълон мазмунига ва муддатларига бўлган талабларга риоя этилганлиги	6	0	6
5	Харид қилиш тартиб таомилига кўра тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотларни уч кун ичида порталга киритилганлиги .	6	0	6
6	Харидларни амалга оширишда баённомалар тузилиши ва тартиби, муддатларига риоя қилинганлиги	6	0	6
7	Импорт қилинган товарларнинг ишлаб чиқарувчи томонидан бошқа давлатлар хўжалик субъектларига сотилишидаги шартнома нархлари ва шартлари ўрганилганлик ҳолати	10	0	10
8	Импорт қилинган товарларнинг учинчи корхона орқали эмас, айнан ишлаб чиқарувчи билан шартнома тузилганлиги ва шартномаларда товар нархлари ошириб кўрсатилмаганлиги ҳолатларини ўрганиш	10	0	10
9	Импорт қилинган товарларнинг бошқа давлатларда ишлаб чиқариладиган ўхшашлари билан нарх ва сифат жиҳатидан солиштирма ўтказилганлиги	10	0	10
10	Харид қилинаётган товарларнинг корхона учун зарурияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ўрганилганлиги	6	0	6
11	Корхоналар томонидан импорт қилинаётган товарларнинг молиялаштириш манбаалари аниқ кўрсатилганлиги	10	0	10
12	Корхоналар томонидан валюта маблағлари ҳисобидан импорт маҳсулотлар танлов (тендер) асосида харид қилинишида танлов ғолиби билан нархни пасайтириш ҳақида қўшимча музокара ўтказилганлиги	10	0	10
	Баҳоси	100	8	92

Жамиятда 2021 йил 1 чоракда импорт харидлари мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларга тегишли кўрсаткичларни яъни баҳоларни жадвалдан олиб ташласак жадвал қуйидаги кўринишга келади:

МЧЖ «ТТТ-AUDIT» бош директори:

т/т	Савол	ха	йук	жавоб
1	Корпоратив харидларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабилари доирасида ўтказилганлиги	10	2	8
2	Корпоратив харидларни амалга оширишда рақобат қонунчилиги талабларига риоя этилганлиги	10	0	10
3	Давлат харидларининг махсус ахборот порталида харидларининг йиллик ва чораклик режа жадвалининг жойлаштирилганлиги	6	6	0
4	Махсус ахборот порталига жойлаштирилган эълон мазмунига ва муддатларига бўлган талабларга риоя этилганлиги	6	0	6
5	Харид қилиш тартиб таомилига кўра тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотларни уч кун ичида порталга киритилганлиги .	6	0	6
6	Харидларни амалга оширишда баённомалар тузилиши ва тартиби, муддатларига риоя қилинганлиги	6	0	6
7	Харид қилинаётган товарларнинг қорхона учун зарурияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ўрганилганлиги	6	0	6
	Бахоси	50	8	42

Хулоса

Жамиятнинг 2021 йил 1 чорак молия хўжалик даврида жамият фаолияти учун сотиб олинаётган товар моддий бойликлари, иш хизматларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426–сонли Қарори талабларига мувофиқ “Қорхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлигининг асослиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида” ги махсус савол бўйича жамиятни ушбу қонунга риоя этиш бахоси “яхши” баҳоланади.

Ҳисоботга жамият томонидан 2021 йил 1 чоракда сотиб олинган товар моддий бойликлар, иш хизматлар рўйхати илова қилинади.

Тавсиялар.

1. Давлат харидларининг махсус ахборот порталида харидларининг йиллик ва чораклик режа жадвалини белгиланган тартибда жойлаштириш.
2. Жамият “Маркетинг, савдо ва реклама бўлими” га харидларнинг йиллик ва чораклик режа жадвали асосида жамият фаолияти учун зарур бўлган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмларни жорий вақт учун нарх наволари, қайси ишлаб чиқарувчида қанча миқдорда сифати қандай доимий равишда ўрганиб бориш юклатилсин.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
 “ТТТ-AUDIT” (JPA International)
 аудиторлик ташкилоти бош директори
 бош аудитор САР:



Ботиров М.Х.

МЧЖ «ТТТ-AUDIT» бош директори: